

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУЗЕЙ ВА САЁХАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Ҳазина бўлими илмий ходими:*

**Г.Назарова**

Музейларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини назарда тутган ҳолда уларни мактабга яқинлаштиришгина эмас, балки таълим муассасаларини ҳам музейга яқинлаштириш, яъни ҳамкорлик педагогикасини амалга ошириш зарурияти сезилмоқда.

Музей педагогикаси музейшунослик фанининг янги соҳаси бўлиб, унинг асосида музей шароитида маданий-маънавий ёдгорликларни келажак авлодга етказишга йўналтирилган илмий-амалий фаолият ётади. Бу соҳа хорижий музейшуносликда кенг ва бой тажриба орттирилган.

1934 йилда Германияда “Музей педагогикаси” тушунчаси биринчи марта истеъмолга киритилди. Я.К. Фризеннинг фикрига кўра, музей педагогикаси – бу маърифий ишлар ва музей дидактикасига таянадиган, музей воситалари билан бадиий тарбиянинг анъанаси ҳисобланади[ Юхневич М.Ю. Яповеду тебя в музей: Учеб.пособие по музейной педагогике. - М., 2001. 12- бет 2 Столяров Б.А. Музейная педагогика. М.: Выш.шк., 2004. 84- бет. ].

Ф. Фогт фикрича, музей педагогикаси – бу музейларро ҳамда уларнинг коллекциялари ва томошибинлари ўртасидаги воситачилик фаолиятидир2.

Мактаб ва музейнинг ўзаро муносабатлари билан “музей педагоги” тушунчасини биринчилардан бўлиб истеъмолга киритган, 1939-44 йилларда Берлин этнография музейида “Мактаб ва музей” бўлимининг раҳбари А.Рейхвейн ҳам шуғулланди.

Жамиятнинг барча қатламлариға энг кўп таъсир кўрсатиш учун музей билан мактабни ягона мақсадда бирлаштирган, унинг биринчи директори Г. Коль музейнинг таълимий моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда: “... Музей ва галереялар ўз олдига таълимий мақсадни қўймас экан, улар зерикарли ва фойдасиз муассаса бўлиб қолаверади”, дейди. Г. Колнинг ўқувчи ва талабаларнинг кўплаб авлодига фойда келтирган бундай фикри музейларнинг таълимий фаолияти моделини шакллантиришни тақозо этди ва ушбу йўналишда музей сиёсатига жиддий таъсир кўрсатди.

Музейдаги машғулотлар муваффақиятини Берлиннинг моҳир педагоги Г.Фройденталь қуидаги шарт-шароитлар билан боғлади: музейларга бўлган ҳар бир ташриф аниқ ўқув мақсадига эга бўлиши; музейга ташрифни болаларнинг мактабда машғулотлардан чарчаган пайтида эмас, балки у ердаги манбаларни идрок этишига тайёр бўлган пайтида уюштириш; болаларгагина эмас, катталарга ҳам тинглаш учун оғир бўлган обзорли экскурсиялардан воз кечиш; болаларнинг мавзулар бўйича мустақил ижодлари (расмлар, иншолар, яратган моделлари) музейга ташрифларининг якуни бўлиши лозим.

Г.Фройденталь болалар билан музей таълим жараёнини ташкил этишга тайёр бўлган мутахассисларни музей педагоги деб атаган ҳолда катта ёшдаги болалар учун техника ва маҳсус музейларда, кичик ёшдаги болаларни эса ўлкашунослик, табиий-илмий ва бадиий музейлар билан таништиришдан бошлишни тавсия этди.

Кейинги йилларда таълим соҳасидаги ислоҳотлар Россияда ҳам музей педагогикаси соҳасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди, булар хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиши уйғотди. Айниқса, бу борада Б.А. Столяровнинг тадқиқотлари дикқатга сазовор. У “Музейная педагогика” китобида музейларнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнига эътибор берган ҳолда бу борадаги жаҳон тажрибаларини ҳам ўрганганд ҳолда ҳозирги даврда унинг назарий жиҳатларини асослади. Музей экспозициялари билан иш олиб боришнинг шакл ва методларини тавсия этди, турли ёшдаги болалар ва музей экспозициялари билан ишлаш, энг

муҳими музей ва мактаб алоқадорлиги моделини ишлаб чиқиб, бу борада музей педагогини ҳамда ўқитувчини тайёрлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар берган.

Тарих ўқитишида музей ва саҳатлар уссуларини фойдаланиш тарихий билимни мустаҳкамлашда аҳамиятга эга. Энг қулай u1090 томони бу мактабда музей ташкил қилиш ва экспонатлардан тарих дарсида фойдаланиш. Ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ва маданият

едгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳар бир фуқоранинг муқаддас бурчидир. Тарихчиларга бу қонун муқаддас дастуриламон бўлиб хизмат қиласди. Биз ешларни тарихий едгорликларни авайлаб сақлашга тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга

ўрганиб, бу едгорликлар факат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ моарифи ва маданиятини янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак.

Мактаб музейи ешлар олдига қўйидаги вазифаларни: биринчидан, жамият ҳасти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни, давлат ва ҳарбий арбобларнинг, халқ қаҳрамонларининг ҳасти ва фаолияти билан боғлик бўлган бинолар, иншоатлар, эсадалик жойларни

ўз ўлкасига боғлаоб ўрганишни, иккинчидан, археология едгорликлари: кўхна шаҳарлар, қўръонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истеҳкомлар, корхоналар, каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлар-мозоратларни, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирларни,

қадимий буюмларни ўз жойига боғлаб ўрганишни, учинчидан, меъморчилик обидалари тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кучалар, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларнинг қадимий тузилиши, қурилиши ва қолдиқларини, санъат диний, ҳарбий, халқ меъморчилиги иншоатларини, табиат ландшафтларини ўз худудига мослаб ўрганишни, т:ртинчидан, санъат

едгорликлари- монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарларини, бешинчидан, едгорлик ҳужжатлари-давлат ҳокитият органлари ва давлат бошқарув органларининг

актлари, бошқа езма ва график ҳужжатлар, кинофото ҳужжатлар ва товуш езувлари, шунингдек, қадимий ва бошқа қулезмалар ҳамда архивлар, фильмлар ва мусиқа езувлар шу каби нозир

материалларни излаб топиш, ўрганиш ва умумлаштириш вазифаларини қуяди. Ҳозирги вақтда мактаб музейи ташкил қилинган мактабларда ўқувчиларини ижтимоий фанлардан олаетган билимлари, мустақил ишга ва меҳнатга, ўтмиш тарихи ва маданиятига қизиқишилари ўсиб бораётганлиги аниқланмоқда. Шунингдек, юкори синф ўқувчиларининг билим

доираси кун сайин кенгайиб, дастлабки илмий-тадқиқот ишларига булган қизиқиши сезиларли даражада ўсмоқда. Айниқса давлат музейлари бўлмаган районларда мактаб музейининг аҳамияти катта. Тарих ўқитишида мактаб музейидан ташқари давлат музейларига, тарихий жойларга

саехатлар уюштириш мумкин. Тарих ўқитишида музей экспонатларидан фойдаланиш учун аввало музей фондини яхши билиш керак. Мактаб музей фонди қўйидагича бўлимларга бўлиб қўйилса мақсадга мувофиқ

бўлади. Масалан, биринчи бўлими. Ибтидоий жамоа ва қулдорлик жамияти” деб номлаш мумкин. Бу бўлимга асосан ўз ўлкасидан еки урганиластган худудидан (агар шундай манбалар бўлса) топилган археологияга оид материаллар, масалан, Тешиктош ғорининг ясама кўриниши, М.М.Герасимов томонидан реконструкция қилинган i-9 яшар неандерталь боланинг дарсликдаги ҳайкалининг тасвири, ”Ибтидоий одам-синотроп овда” деган расмдан кўчирма еки ясама кўриниши, археологияга оид қазилмалар натижасида топилган тош даврига оид турли хил меҳнат қуроллари, сопол идишларнинг синиқлари, хуллас аалеолит, неолит, энеолит, мис, бронза ва темир даврига оид қуроллардан намуналар. сал нусхалар

бўлмаган ҳолда уларнинг ясалма кўринишларини еки кўчирма нусхалар қўйиш мумкин.

Иккинчи бўлимни ”Феодализм даври” деб номлаш ва бу бўлимга феодализм даврида яратилган тарихий ва маданият едгорликларидан Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги меъморчилик едгорликларини акс эттирувчи фотосуратлар ва Болаликтепа (V-VI аср), Панжакент, Варахша, Афросиеб, Далварзин ва Ахсикентлардан топилган археологияга оид ҳар хил топилмалар ва сопол

идишиш-товоқлар, уша даврга доир танга-чақа пуллардан намуналар қўйиш мумкин. Учинчи бўлинини ”Ўлкамиз чор Россияси қарамлигига” деб номлаш мумкин. Бунда чор Россияси зулмидан

маҳаллий омма ва жафокош, тутқинликда ҳукуқсиз кун кечирган халқимизга таллуқли

материаллардан қўйилса, Бухоро амири Хива хонлиги, Қуқон хонликлари ўрнига келган чор ҳукумати зулмидан қувиллаб қолган қишлоқлар ҳақидаги маълумотлар музей материалларида акс эттирилса ўқувчилар кўз ўнгига утмиш аниқ тасвирланади ва чоризм сиесатига нисбатан қаҳр-ғазаб, меҳнаткаш оммага нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади. Тўртинчи бўлим ”Ҳозирги даврда жонажон :лкам” деб номланса ва бу бўлимда Ўзбекистоннинг 20- йиллардаги то шу кунгача, яъни мустақил жумхуриятлар ташкил топаётган, шунингдек Ўзбекистон ҳам мустақилликни қўлга киритиб, унда яшаётган халқлар ўз тарихи, маданияти, ўзлигини англаётган, хорижий давлатлар билан ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоҳалар кун сайин яхшиланаетган ҳозирги давргача бўлган улкасининг иқтисодий, сиесий ва маданий ҳаётини исботловчи далиллар музей экспонатлари қаторидан жой олса, музей ўшандагина мактабнинг ҳақиқий музейига айланади ва унинг маълим тарбия ишларига қушаётган хиссаси янда ошади.

Музей экспонатлари ва саехат натижаларидан маълум дарсларда фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи агар мактаб музей бор бўлса, маълум дарсда музей хоналаридан

фойдаланса бўлади. Шунингдек дарс олдидан мавзу ўқувчиларга таништирилиб, давлат ўлкашунослик музейига, еки

тарихий ўринларга саехат уюштириш мумкин. Натижалари эса дари пайтида қўл келади. Мисоллар келтириш мумкин. Қорақалпоғистон тарихи дарсида, масалан ё4 Қорақалпоғистон худудидаги қулдорлик давлати” деган мавзу олдидан давлат улкашунослик музейи экспонатлари билан тонишишга бўлади. Музейдаги Қўйқирилган қалъя, Тупроққалъя харобларидан топилган

топилмалар, уларнинг макетларини ва бошқа едгорликларни кўзи билан куриб қобил қиласланган ўқувчилар олган тасаввур ва билимларини оғзаки еки езма тарзда ифодалаб беради.

### **Адабиётлар:**

1. Садыкова Н.О. Маданий едгорликлар хазинаси К.1981
2. Садыкова Н.С. Ўзбекистонда музей иши.Т.,1977